



Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2001 yil, 17 avgust №33 (466)

Sotuvda narxi erkin

ХАЙЪАТДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг навбатдаги хайъат йиллиги бўлиб ўтди.

Йилгилик "Давлат алоқа инспекцияси метёрий-техник базисининг аҳоли ва инспекция ишини такомиллаштириш тўғрисида" Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи М. Рустамова маъруза қилди. Маърузачи бугунги кунда почта ва телекоммуникациялар соҳасида ҳужалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан назорат бўйича давлат органи сифатида давлат алоқа инспекциясига муҳим вазифалар юклатилганлиги ва олиб борилаётган ишлар ҳамда муаммолар ҳусусида тўхталиб ўтди. Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т. Назаржонов "Оналар ва болалар йили"га бағишланган давлат дастурининг бажарилиши" юзасидан агентликда ишчи гуруҳи тузилгани

ҳақида маълумот берди. Мазкур гуруҳ томонидан ярим йил мобайнида қатор ишлар олиб борилгани, жумладан, жамоа шартномасига аёллар учун қўшимча имтиёзлар киритилгани, алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган аёллар меҳнатини муҳофаза этиш, ходимлар маошларига қўшимча ҳақ тўлаш, уларни мунтазам равишда тиббий кўриқдан ўтказиб туриш ишлари йўлга қўйилгани ҳақида гапирди.

"Агентлик акциядорлик компания, корхона ва ташкилотларида ижро интизоми ҳамда фуқаролар муносабатлари ҳақида" Агентлик котибият раҳбари Ш. Отамухаммедов маърузаси тингланди. Унда Агентлик аппарати, компания, корхона ва ташкилотларда иш юритиш, ижро ва шикоятларга эътибор амалдаги қонун, қарорлар ва меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилаётгани, бироқ айрим корхоналарда бу иш-

ларга яхши эътибор берилмаётгани ҳамда йўл қўйилган камчиликлар борасида маълумот берилди. "Почта ва телекоммуникациялар соҳасида инвестиция дастурларининг бажарилиши тўғрисида" Агентлик иқтисодий таҳлил ва истиқболни белгилаш бўлими бошлиғи А. Ҳўжаев маъруза қилди. Маърузачи инвестиция дастури бўйича почта ва телекоммуникация корхоналарининг ярим йиллик фаолияти ҳусусида фикр билдирди. "Почта алоқаси бўлими иш фаолияти тўғрисида" Агентлик почта алоқаси бўлими бошлиғи М. Аъзамқулова маълумот берди. 2000-2001 йиллар мобайнида бўлим мутахассислари томонидан қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, тасдиқлангани ва бошқа бир қанча ишлар амалга оширилгани қайд қилинди.

Хайъатда кўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

И. АҲМЕДОВ

ТАЙИНЛАШЛАР



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил, 15 август қарорига биноан Абдулла Нигматович ОРИПОВ Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Бош директори этиб тайинланди.

Абдулла Орипов 1961 йили Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек. Маълумоти – олий, 1983 йили Тошкент электротехника алоқа институтини битирган, мутахассислиги – электралоқа муҳандиси. 1983-

1992 йиллари Тошкент телеграф-телефон станциясининг биринчи тоифали электрон муҳандиси, 1992-1993 йиллари Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги бош мутахассиси, 1993-1995 йиллари "Ўзимпэксалоқа" ташқи савдо фирмасининг техника бўйича директор ўринбосари, 1995-1996 йиллари "ТошАфинал АЛ" ҚК бош директори, 1996-1997 йиллари Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг рақобатчилик, хусусийлаштиришни ривожлантириш бўлими бошлиғи, 1997 йили Агентлик бозор ислохотлари ва қимматбаҳо қоғозлар бўлими бошлиғи, 1997-2000 йиллари Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори каби вазифаларда хизмат қилди. 2000 йилдан то ҳозирга қадар Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари эди.

• Танқиддан сўнг

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

"Хабар" газетасининг 2001 йил, 20 июл, 29 сонида чоп этилган "Жадвал нима учун тузилади?" сарлавҳали мақоласи "Фаргона почтаси" акциядорлик жамиятида ўрганиб чиқилди. Шу муносабат билан вилоятдаги барча почта филиаллари, шунингдек, хатоликларга йўл қўйган Маргилон шаҳар почта филиалидаги иш жараёнлари ўрганилди ҳамда таҳлил қилинди. Почта алмашинуви жадваллари почта ташишни ташкил қилиш йўриқномаси асосида қайтадан кўриб

чиқилди ва мақолада таъкидланган камчиликлар бартараф этилди.

Почта алмашинуви жадвалларига етарлича эътибор берилмаганлиги учун Маргилон шаҳар почта алоқаси филиал раҳбари Х. Иброҳимовга ва унинг муовини А. Содиковга жиддий кўрсатмалар берилди.

Н. КАРИМОВ,
"Фаргона почтаси" АЖ
бош директори

МУСТАҚИЛЛИК – УЛУФ

НЕЪМАТ

1. Мустақиллигимизнинг 10 йиллигини нишонлаш арафасидамиз. Ўтган мана шу қисқа, аммо биз учун ўта муҳим вақт мобайнида амалга ошган қайси ўзгаришларни алоҳида санаган бўлардингиз?

2. Сизнингча, мустақиллики мустаҳкамлаш учун ҳар бир фуқаро, жумладан, ўзингиз қандай ҳисса қўша олишингиз мумкин?

Хайрулла ХОДИЕВ, Самарқанд вилоят Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи.

1. Энг қувончлигини шундаки, Мустақил Ўзбекистонни бугун бутун дунё тан олмақда. Шунинг ўзи халқимиз учун энг катта бахтдир.

Истиқлолга эришганимизга мана 10 йил бўлибди. Бу тарих учун қисқа фурсат. Аммо мана шу қисқа давр ичидида юртимизда жуда кўп ўзгаришлар,

янгиликлар содир бўлди.

Хусусан, назорат органлари фаолиятида ҳам жонланиш яққол сезилди. "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни асосида ишларимизни ўзгартириб, тўғри йўналишларни белгилаб олдик. Ҳозирда барча ўтказилаётган текширувларимиз назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссия билан келишилган режа асосида ўтказилмоқда. Бу тартибнинг жорий этилиши вилоятда почта ва телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳужалик юритувчи субъектларга ҳам анча қўлайлик туғдирди.

Улар аввалгидек, йилга 2-3 мартаба ўтказиладиган қайта-қайта текширувлардан озод

бўлишди. Ҳозирда Давлат алоқа инспекциясида назорат рақамларини қўллаш, жойларда "Ишонч телефони" бўйича ишларни йўлга қўйиш масалалар кўриб чиқилди. Ушбу муҳим ва қўлай имкониятлар келгусида ўзининг ижобий натижаларини беришига шубҳа йўқ.

2. Шўкроналар бўлсинки, юртимиз тинч ва обод. Ўз эркимиз ўз қўлимизда, бировга тобелик жойимиз йўқ. Ватанимиз ўз ўрни, мавқеига эга бўлди. Ана шу мустақиллики мустаҳкамлаш учун аввало, ҳар биримиз ўз зиммамизга юклатилган вазифани астойдил бажариб боришимиз лозим бўлади. Қолаверса, мустақил юртимизни ҳимоя қилиш учун ёшларимизни ватанпарвар қилиб тарбиялашимиз зарур деб ўйлайман.

Зебо ёзиб олди



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил, 15 август қарорига мувофиқ Мухомудов Мубоширович МАҲМУДОВ Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

Махсум Махмудов 1964 йили Тошкент вилоятида туғилган, ўзбек. Маълумоти – олий, 1986 йили Новосибирск электротехника алоқа институтини битирган, мутахассислиги – иқтисодчи-муҳандис.

Меҳнат фаолиятини 1986 йили Тошкент шаҳар темирўли қошидаги почтаамтда диспетчерликдан бошлаган, сўнгра катта муҳандис, режа бўлимининг бошлиғи вазифаларида меҳнат қилган. 1992 йилдан Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг Иқтисод ва давлат мулкани бошқариш бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаган. М. Махмудов 1996 йилнинг октябр ойдан бошлаб Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директор ўринбосари эди.

ҲИСОБОТ КЕНГАШИ

"Наманган почтаси" акционерлик жамияти ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2000-2002 йиллар учун тузилган "Жамоа шартнома"сининг 2001 йил, биринчи яримда бажарилиши юзасидан ҳисобот кенгаши бўлиб ўтди.

Йилгилик Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т. Назаржонов, "Наманган почтаси" АЖ директори Р. Тургунов ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси

М. Муқимовларнинг маърузалари тингланди.

Улар почта алоқасини ривожлантиришидаги ютуқ ва йўл қўйилаётган камчиликларга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Маърузалар муҳокамаси бўйича сўзга чиққан шаҳар ва туман филиаллари бошлиқлари бугунги кунда аҳолига почта хизмати кўрсатишдаги долзарб муаммолар ҳамда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот бердилар.

Б. БОЛТАБОВЕВ,
Наманган вилояти

Юртимиз узра хурлик, мустақиллик шомолининг эса бошлаганига ўн йил тўлди. Тарих қадимларига менгизилек бўлиса, ана шу арзимас фурсат мобайнида Ўзбекистонда кўплаб оламшумул юмушлар бажарилиши.

Барча соҳаларда бўлганидек, алоқа соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлди. Дунёнинг нуфузли фирмалари билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар ўз самарасини берди. Юртимизга замонавий телекоммуникация ускуналари, уяли телефон алоқалари, "Интернет" алоқаси кенг қўламада кириб келди. Телекоммуникация соҳасида энг катта қўшма корхоналаридан бири бўлган "Ўзбектелеком Интернейшнл" АЖ қўшма корхонаси ва унинг жойлашган даражага кўтариш борасида амалга оширилган ишлар қўламада йилдан-йилга осяпти. Қилинган ишларнинг асосини эса юртимиздаги мавжуд алоқа тизимини тубдан янгилаш, илгор технологияни кенг қўламада татбиқ қилиш ҳамда янги алоқа нуқталари ва станцияларини ишга тушириш ташкил этипти. Бундан ташқари тизимимизда ташкилотлар ва

аҳолига кўрсатилган алоқа хизматлари сифатини яхшилаш учун кўплаб янги алоқа уйлари, янги рақамли станциялар ҳамда уларни кенгайтириш эвазига кенг имкониятлар пайдо бўлмоқда.

қуриш ишлари давом этипти. Худди шундай, бир неча юз рақамга мўлжалланган линия кабел ҳўжалиги Булунгур тумани марказида ҳам йил охиригача қуриб битказилади. Жорий йилда Булунгур туманида

лан боғлаш мақсадида 21 км узунликда оптик толали кабеллар ётқизилади. Китоб шахрида ҳам S-12 русумли 3500 рақамга мўлжалланган телефон станцияси ишга туширилиши режалаштирилган.

Маълумки, Сурхондарё вилоят худуди тоғлик ва кенг даштликлардан иборат. Шу боис

ушбу вилоятда Хитойда ишлаб чиқарилган 350 рақамга мўлжалланган иккита ETS-450 русумли радиотелефонлар ишга туширилди. Станцияларнинг биттаси Жарқўрғон, иккинчиси эса Денов шахрида ўрнатилгани боис, бутун вилоятни радиотелефон алоқаси билан қамраб олиш имкони пайдо бўлди. Бу телефонлаштириш имконияти нуқолай бўлган қўлаб қишлоқларда вилоятнинг барча худудлари билан боғланиш имкониятини яратди ва қишлоқ жойларининг ўнтасига янги сўзлашув пунктлари ўрнатилди. Бундан ташқари жойлардаги аналог, яъни эски турдаги станцияларни рақамли замонавий станцияларга алмаштириш кенг қўламада олиб борилмоқда. Термиш шаҳридаги 4-аналог телефон станциясининг барча абонентлари рақамли телефон станцияларига кўчирилди. Бундан мижозлар алоқа хизматининг қўшимча хизмат турларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлар. Шунингдек, Олтинсой ту-

2000 рақамли "Исток" русумли, Каттақўрғон туманида эса Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган DTS-1100 русумли 4000 рақамли телефон станциялари фойдаланишга топширилди.

Йил охиригача Самарқанд шахрида ишлаб турган барча катта сиғимли телефон станциялари оралигида оптик толали кабел тортилиб, станциялар бир-бирига 2-МП потек билан боғланиди. Бу ҳол ўз навбатида сўзлашув ва алоқа сифатини бир неча баробар ошириш билан биргаликда, сўзлашув пайти сабабсиз узилиб қолишларга бутунлай барҳам беради.

Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманидаги янги алоқа уйи фойдаланишга топширилиши арафасида. Йил охиригача Қарши шахрида 11200 рақамга мўлжалланган оптика "Алкател" (Германия) компаниясининг S-12 русумли рақамли телефон станциялари ишга туширилади ҳамда станцияларни бир-бири би-

• Республикамаиз Мустақиллигининг 10 йиллигига

ман марказида замонавий алоқа уйи қурилиши ниҳоясига етди. Бу масканга Хорватияда ишлаб чиқарилган AX-10 русумли, 1000 рақамли телефон станцияси ўрнатилиши қўламада тугилмоқда.

Японияда ишлаб чиқилган NEAX-61 русумли иккита 3000 рақамли телефон станцияси Жиззах шахрига ўрнатилди. Уларни бир-бирига улаш учун 18 км узунликдаги оптик толали кабел телефон қувурлари ётқизилади. Вилоятнинг энг узоқ туманлардан бири — Янгиобод-Даштобод оралигида радио релейкаси ўрнатилиб Жиззах марказий станциясига 2-МБ потек билан йил охиригача уланди.

Хулоса қилиб айтганда, Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги муносиб тўғфарел билан кутиб олинмоқда. Асосийи, аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш сифати йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.

Эргаш ҲАКИМОВ,
"ЎЗИ" қўшма корхонасининг
техник директор ўринбосари
З. ХУДОЁРОВА,
журналист

ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ

Самарқанд шахрида қўшма корхона ташаббуси билан "Интернет кафе" очилиб, иш бошлади. Бу эса оддий аҳолининг ҳам жаҳонга чиқиш ва дунё воқеаларидан хабардор бўлиш имкониятини кенгайтирди.

Тошкент электротехника алоқа институти билан Самарқанд шахри оралигида компьютер орқали ўқув машғулотларини ўтказиш учун корхонада ўқув маркази ташкил этилди. Туманларда замонавий алоқа тизимини кенг жорий этиш борасида тинмай изланилмоқда. Самарқанд вилояти, Челек туманида янги замонавий ускуналар билан жиҳозланган алоқа уйи қуриб битказилди ва туман аҳли учун барча қулайликларга эга бўлган сўзлашув маскани ишга туширилди. Йил охиригача эса туман аҳолига хизмат қиладиган 1500 рақамли янги замонавий телефон станцияси ўрнатилиши режалаштирилган. Бундан ташқари туман марказида янги, 500 рақамга мўлжалланган линия кабел ҳўжалигини

Оқшом. Соқинлик, хонадонларда ҳарик дамлари. Галаосиё филиалининг сўзлашув масканида эса ҳаёт қайнайди. Халқро ва шаҳарларро, маҳаллий сўзлашувро улуксиз давом этади.

Ана шундай қайноқ ҳаёт кучида меҳнат қилиб келаётган алоқа ходимларидан бири — катта телефончи Норгул Каримовашир. Норгул Тошкент алоқа коллежини битириб, Галаосиё филиалида иш бошлаганига 19 йил бўлди.

ДИЛЛАРНИ ДИЛГА УЛАБ

Унга тақрибан алоқа ходимларидан Шамсиддин Муҳидинов, Музаффар Жумаев, Муҳаррама Мирзаевалар устозлик қилишган эди. Иш фаолиятини АТСда электромеханик вазифасидан бошлаган Норгул кўп ўтмай катта телефончи сифатида обрў-этибор қозонди. Бу орада малака ошириш курсларида ўқиб билим ва тақрибасини янада мустақамлади.

Мана беш йилкири у филиал касабга уюшма қўмитасининг раиси. Ходимларни ижтимоий-ниҳосидий, ҳуқуқий муҳофазалаш, ҳафсиз меҳнат шaroитларини яратиш, уларнинг болаварини соғломлаштириш, маънавий-маънавий шaroитларини яхшилаш борасида куч-айригини аямаяпти. Айниқча "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилинган 2001 йил учун тузилган тақдирларнинг ўз вақтида бажарилишига алоқанда аҳамият бермоқда. Бухоро тумани марказий касалонаси шифокорлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар самарали бўлмоқда. Шифохонанинг малакали тиббиёт ходимларидан С. Жўрақуллов ва А. Шўкурдуллаевлар бу ерда бўлиб, соғлом авлодни тарбиялашга оид маърузалар ўқидилар, дозлар мавзуларда суҳбатлар ўтказдилар.

Кейинги икки йилда ходимлар ва уларнинг болаварини соғломлаштириш бўйича касабга уюшмаси қўмитаси томонидан амалга оширилган ишларга эълан берсангиз, бу боравида бир қатор аниқ натижаларга эришилганлигига гувоҳ бўласиз. Корхона ишчи-хизматчиларидан бир неча нафар "Чортоқ", "Ситораи Моҳи Хоса" сингари дам олиш масканларида бўлиб, ўз соғлиқларини тикладилар. Корхонада 15 йил ишлаган аёлларга ҳамда 20 йиллик иш стажига эга бўлган эркакларга бундай сўхтоҳларга йўланмалар бепул берилмоқда. Кўп болавали аёллар учун ҳам жамоа шартномасига мувофиқ бир

"Оналар ва болалар" йилига

қатор имтиёзлар белгиланган. Шаҳрисабз шахрига ва Китоб туманида жойлашган "Алоқачи" дам олиш уйига уюштирилган саёҳатлар ҳам ишчи-хизматчиларга яхши кайфият бағишлади. Бундан ташқари ҳар йили Бухоро шахрининг энг сўлим гушаларидан бирида жойлашган "Еш алоқачи" болалар оромгоҳида кўплаб кечкинтойлар соғломлаштириладилар.

Корхона ходимларининг болалари учун бу оромгоҳ йўланмалари ҳам бепул бўлиб, биргина ўпан 2000 йил ёз мавсумида ана шу мақсадлар учун корхона ҳисобидан 77 минг сўм ажратилган эди. Жорий йилнинг апрел ойида Самарқанд шахрига ва Имом ал-Бухорийий зиёратгоҳига ташкил қилинган саёҳатдан алоқачилар ва уларнинг оила аъзолари олам-олам таассурот олиб қайтилди.

Филиал биноси хоналарининг бирида ташкил этилган "Маънавият бурчиги"да юртбошимиз асарлари, ўзбек ёзуви ва шоирларининг сараланган асарлари ўрин олган. Шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт ишларини ривожлантириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган. Хуусдан, спортнинг волейбол тури бўйича 2000 йилда ўтказилган вилоят спартакиада-сида ҳам, бундан икки йил олдин ташкил этилган спорт баҳсларида ҳам филиал жамоаси совринли ўринларни қўлга киритишган эди. Бу йил ҳам корхона вақиллари бу боравида жиҳдий тайёргарлик кўришмоқда.

Хулоса, Галаосиё филиали касабга уюшмаси қўмитаси томонидан олиб борилаётган ишларда ушбу қўмита раиси, ишчан алоқа ходими Норгул Каримованинг барқавали ҳўссаси бор. Норгул кўп болали оила фарзанди. Отаси Ҳўмнат Каримов, онаси Гули ая Жўраевалар бир умр ҳалол меҳнат қилиб, беш ўғил ва беш қўзни тарбиялаб вояга етказишган. Фарзандлари элу юрта салоқат билан хизмат қилишмоқда. Улардан бири — Норгул Каримов бу унги кунда меҳрибон она, ардоқли уй бекаси, бахтли хонадон соҳибасидир.

Асқар ИСТАМОВ,
жамоатчи муҳбиримиз,
Бухоро вилояти



"Қашқадарё Телеком" шўба корхонаси Чироқчи филиали ёш электромеханиги Ботир ҲАМРОЕВ мижозларга алоқа хизмати кўрсатмоқда.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

ЖАЙРОНХОНАДАН ЖАҲОНГА ЧИҚИЛМОҚДА

Республикамаизнинг энг узоқ худудларидан бўлган Термиш туманидаги Жайронхона қишлоғида ҳам мустақиллик байрами арафасида шаҳарларро сўзлашув шаҳобчаси очилди. Унда ака-ука Уктам ва Отабек Юсуповлар хизмат кўрсатишмоқда.

Яқин вақтгача бу қишлоқ аҳли ва Саттор Салимов номли Жайронхона сўхтоҳи дам олувиляри телефон хизматидан фойдаланиш учун Термиш шахрига қатнашар эди. Энди эса бундай ташвишларга ҳожат қолмади. Шунингдек, ёнма-ён жойлашган Қоракон, Жарқўрғон, Оқтепа қишлоқ аҳли ҳам ушбу имкониятдан фойдаланишмоқда.

ПЕЙДЖЕР КОМПАНИЯСИ ХИЗМАТДА

Термиш шахрида ҳам Пейджер компанияси хизмат кўрсата бошлади. Кишиларнинг бир-бирини тез топишида энг қулай восита бўлган пейджердан термишликлар ҳам баҳраманд бўлиши. Бу эса уларнинг телефон орқали тез боғланишига ёки белгиланган жойда учрашишига имкон яратди. Назокатхон Эшонова раҳбарлигидаги жамоа аъзолари чўнтак қурилмаси фаолиятини назорат қилишмоқда ва мижозлар билан ишлаш, улар сафини кенгайтириш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ,
жамоатчи муҳбиримиз,
Сурхондарё вилояти

ТАБРИКЛАЙМИЗ

"Бухоро Телеком" АЖ жамоаси Жондор филиали иқтисодчиси Афзал ҚИЛИЧЕВни 60 ёши билан табриқлайди. Унга сўхат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларида зафарлар тилаб қолади.

"Андижон Телеком" АЖ ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшмаси қўмитаси жамоалари Андижон шаҳар бўлими телеграфчиси Валентина ТРОФИМОВАни туғилган куни билан табриқлайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, ишларида муваффақият ва оилавий бахт тилайди.

"Фаргона почтаси" АЖнинг Ровон филиали жамоаси почта алоқа хизмати бўлими бошлиғи муовини Умиджон ҲАБИЛОВни таваллуд толган куни билан табриқлайди. Унга узоқ умр, бахт-саодат ва ишларида зафарлар ҳамроҳ бўлишини тилаб қолади.

"Наманган почтаси" акционерлик жамияти жамоаси корхонанинг етакчи мутахассиси Абдуқодир ДАРВИШЕВни ҳамда Чўст филиали директори Обиджон СОЛИЕВларни туғилган кунлари билан чин юракдан муборакбод этади. Уларга сўхат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларида омад тилайди.

"Наманган Телеком" АЖ жамоаси вилоят Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Шамсиддин ТОШТЕМИРОВни, Минбулоқ филиали директори Баҳромжон ПАТИЛЛАЕВни, Норин филиали директори Нозимжон ДАВРОНОВни "Алоқа нақлиёт" филиали директори Илҳомжон ШАРИПОВларни таваллуд толган кунлари билан самимий муборакбод этади. Уларга узоқ умр, сўхат-саломатлик, оилавий бахт ва меҳнат фаолиятида улкан зафарлар тилаб қолади.

Амир Темур она шаҳри Шахрисабзда мадраса қурдириш мақсадида хузурга ўша даврнинг етук уста-мемвори ни қақиради ва қуриладиган бино ўрнини кўрсатиб,

"Биз шу ерда баланд ва чиройли мадраса қурдириш ниятидамиз. Бино ниҳоятда баланд бўлибгина қолмай, кўркам ва безаклари ўрнида ишланиши бўйича дунёда ягона бўлиши керак. Бундай бино бошқа шаҳорда бўлмаслиги шарт!" деб ўқтиради. Уста буйруқни қобул қилгач, дастлабки иштни жаҳонгирнинг ўзи қўяди. Уста ўз касбининг қонун-қоидаларига асосан деворнинг икки четини ўлчаб; териладиган гиштни тақсимлаб, ишни бошлаб юборади. Хуллас, мадрасанинг гишторлик иши белгиланган вақтда битиди.

Одатда, усталар баланд равоқ ёки гумбазларнинг юқори

ТЕЗ БИТГАН ИМОРАТНИНГ ХОСИЯТИ БЎЛМАЙДИ

(Ривоят)

марказидаги гишт орасига темир ҳалқаларни жойлаштиради. Шунингдек, ҳаво алмашилиши учун бир-икки гишт ўрнида дарица ҳам қолдиришади. Темир ҳалқаларга ёғоч галтак — гургалар боғлаб қўядилар. Бу гургаларда хашаматли шамчирок ва шунга ўхшаш буюмларни осиб қўйишда фойдаланилади. Уста ана шундай ҳалқага занжир боғлаб, ўнинг остига энли мрамар тошни фарқ қилиб беркитади. Шогирдларидан ўн нафарини хузурга қақирадида, ҳалқада осиялиқ занжир билан ерга фарчланган мрамар тош орасидаги баландликни ўлчабди. Ҳамма шогирдлари бир-бир ўнчагач, роса етти газлиги ониклади. Шундан кейин шогирдлари уста билан биргаликда

хайрлашиб, ўй-ўйларига кетдилар. Эртаси шогирдлари келишади. Лекин устандан дарак бўлмайди. Хуллас, шу аснода уста икки йил ғойиб бўлиб, шаҳардан ташқаридаги тоғнинг бир горида ашириниб юради. У бажармоқчи бўлган ишни эса шогирдлари эглай олмайдилар. Подшоҳлик устани излаб тополмагач, "бирор душман қорини қилгандир", дея гумон қиладилар. Шундай қилиб, ородан роса икки йил ўтгач, уста шаҳорга ўйига қайтиб келади. Устанинг келганини эшитган шох уни хузурга қақиртиради ва ундан қаерда бўлганлигини сўрайди. Уста бинонинг бежирим ва улкан бўлишлиги учун шохнинг дастлабки қўйган талабини эспатади:

— Меморчилик қондасига асосан янги бино энг камида

иikki йил вақт ўтмасдан қуриб битказилмаслиги керак. Акс ҳолда гишт билан қошин парчалари бир йўла деворга бириктириб ишланса, девор босилиши натижасида қошинлар девордан ажралиб қолади ва бирор туртки ёки ер силкиниши бўлса тушиб кетади.

Шунда шох: "Сўзингнинг роствлигини нима билан исботлайсан?", деганда уста шох амри билан шогирдларини қақиртириб, занжир билан мрамар орасидаги ўлчамни сўрайди. Шогирдлари эса бир оғиздан етти газ эди, дейишади. Шунда шох бу ҳолга қизиқиб икки нафар ишончли кишиларни устанинг шогирдларига қўшиб юборади. Улар келиб занжир билан мрамар оралигини ўлчаб, ҳақиқатдан ҳам ўлчам шогирдлар айтгандан чорак газ кам қиқади. Подшо вакиллари бир неча бор ўлчайдилар. Яна шу ўлчам чиқверди. Шунда шох устанинг гуноҳидан ўтади ва уни мукофотлайди.

Оиланинг устуни хотиндир. Зеро, эркаклар хулқу тарбия ху-сусида хотинлардан бошқа ҳеч бир кимсага бўйсунмаслар. Хатто буюк мактабларда-ю олий фикрли одамлар хузурда илм олувчилар ҳам оналаридан олган тарбиялари билан яшарлар ва бу тарбияни сўнгги

• Мерос

роҳатли умр кўрмақдан иборат бўлиб, оилада роҳат кўрмаган инсон, оила ташқарисиди ҳам роҳат кўра олмас.

Шу сабабдан ҳам хотинларнинг

ХОТИН ВА ТАРБИЯ

ХОТИН ВА ТАРБИЯ

кунларига қадар сақларлар. Шу сабабдан ҳам файласуфлардан бири: "Инсонлар ҳар вақт хотинлар истагани каби бўлажаклар, агарда буюк ва фазилатли одамларга эҳтиёжингиз бўлса, хотинларга буюклик ва фазилат ўргатингиз" демишдир.

Тарбияли хотин ота-онасини, эр ҳамда боласини бугун оила хулқини, оилага муносабатли бўлган дўсту қўшнилари, ходиму ходималарини тарбияю хусни хулқи билан мамнун қилур. Ўзи ҳам бахтли ўлароқ умр кечирур. Аммо тарбиясиз хотун бунинг аксини қилиб, ота-онасини, эру боласини эл масхарасига қолдирур. Ўзи ҳам бахтсиз ўлароқ яшар, болаларини тарбиясиз қолдириб, умрларини барбад қилур.

Натижада қизлик ва оналик каби дунё ва охират неъматларидан ҳам маҳрум бўлур.

Бир инсон нақадар бою нақадар мартаба соҳиби бўлса-да, унинг тарбияли хотини бўлмаса, у бахтли эмас. Зеро, бахт оилада

тарбияли бўлишлари зарур ва бунинг фойдаси ҳам бутун миллатга мансуб бўлур. Лекин хотинлар учун лозим ва зарур бўлган илму тарбия қандай ишдир? Бундай хотинлар ўз вазифаларини билмоқлари-ю фазилат ўрганмоқлари, сўнгра буларга гўзал сувратда амал этмоқлари лозим демақдир. Инсонларни бахтли этажак нарса ёлғиз илмгина бўлмай, балки илм ила бирликда бўлган фазилатдир. Фазилат эса хусни хулқ билан адо этмоқдир. Фазилату хусни хулқ бўлмаганида илм дарахти мева бермайди. Инсонларнинг саодатлари тарбияга боғлиқ бўлиб, тарбия ҳам хотинлар қўлидадур. Шунинг учун, умуман халқни тарбияли қилиш учун хотинларни тарбияламоқ ҳамда шу тарбияни болаларга ҳам бера оладиган даражага олиб бориш лозим.

Агарда хотинлар орасида тарбия билан илм ёйилса, тарбия ҳам, хусни ахлоқ ҳам болаларга қўнда, эл-юрт ҳамда халқ орасига тарқалади, мустаҳкам томир отади.



ИБРАТЛИ ҲИКОЯТ

Басра шаҳрида бир хасис киши бор эди. У нодонлик билан олтин-кумуш йиғишга муккасидан кетганди. Бу хасис ва насткаш киши қўп машаққат чекиб, битта-битталаб олтин йиғар эди. У катта бир хазина тўплагач, уларни ерга қўмди. Бу очқўз яна шунга тенг келадиган бойлиқни тўнига гир айлантриб тикили олган эди. Яширган беҳисоб олтинлари ўша шум ҳирсли кишининг кўзига хатто кундуз кунлари ҳам осмондан яраклаган юлдузлар каби кўринар эди. У ўзича танимга қувватгина эмас, балки жонимга сихат ҳам ана шу олтинларим тугайли деб ўйларди.

Иттифоқо, бир кун у савдо-сотик қилиш учун дарё соҳилига келди. У ерда савдо қилган молдан тушган пулларга таом олиб еди. Шундан сўнг, қўлини ювмоқчи бўлиб дарё лабига энгашди. Аммо тўнига тиккан олтинлари оғирлик қилиб, уни сувга тортиб қетди. Хасис киши ана шу ёмон феъли тугайли дарёга чўка бошлади. У сувдан чиқмоқчи бўлиб, изтироб билан чунон талпинар, биров келиб қутқарар, деган умидда бақириб қақирар эди. Лекин одамлар ёрдамга етиб келгунга қадар у дарё тубига чўкиб бўлди.

"Жиззах почтаси" акциядорлик жамияти жамоаси директор ўринбосари

Ориф УРИШБОЕВнинг

бевақт вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДҲУЖАЕВ
Шухрат ЖАБИРОВ
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қурлбой ТЎЛЕБОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Тахририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақола-лардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Бюртма № Г-2739.
4805 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.

Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ
БОСМАХОНАСИ.

Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 18.00

Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6

Вақт ўтапти, дейсан. Бўлмаган гап, вақт жойида турипти, биз ўтиб кетаямиз.

Ҳазрати
Жунайд БОҒДОДИЙ

Дақиқаларнинг қадрига етгин.
Ўшанда соатлар ўз қадрига етади.

СТАНХОУН

Вақт Яратганининг омонатидир, бас шундай экан, уни бе-

Дунёда қанча оч-яланғоч ва муҳтожларни кўрган бўлсанг, бил-

ДОНОЛАР ВАҚТ ҲАҚИДА

самар ўтказиш Тангрига қарши хиёнатдир.

гинки, булар вақтнинг қадрига етмаган инсонлар бўлади.

Ҳар нарса ўз вақтида бўлгани яхши. Қариган чоғингда ўйин-кулгу ва кўнглихулқларни ёшларга қолдир.

Мен ўз душманларим устидан кўпинча шу боисдан ҳам ғалаба қозонганманки, улар уч-тўрт дақиқа давомидида нима бўлаётганини англай олмай турганлариди мен ушбу қисқа мuddатнинг қадриймати ва аҳамиятини жуда яхши тушуниб етганман.

Вақтнинг баҳоси йўқ, аммо ҳақиқат вақтдан ҳам бебаҳодир.

Бенжамин ФРАНКЛИН

НАПОЛЕОН